

“ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУВММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ АНИҚЛАШ
ҲАМДА АКТИВЛАР СИФАТИНИ ТАСНИФЛАНИШИ ҲИСОБИ”

Азимов Умиджон Низомжон ўғли,
Банк-молия академияси тингловчиси,

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти энг тез суроатларда ривожланаётган мамлакатлардан бири бўлиб, бунда тижорат банкларининг ҳиссаси ҳам анчагина салмоқли. Бироқ, бу тез ўсиши активлар сифати (шу жумладан кредитлар) ҳамда банкларининг кредит рискларини бошқариши қобилиятини хатарга қўймоқда ва шу ўринда тижорат банклари учун муаммоли кредитлар билан ишилаш усулларини такомиллаштириши масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда ҳам илмий-назарий ҳамда амалиётчи олимлар томонидан «муаммоли кредит» тушиунчаси аввалгига нисбатан анча кўпроқ баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта, бежиззга эмас, чунки бугунги кунда республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши, уни камайтириши чоралари кўрилишига қарамасдан анчагина юқори фоизни ташкил этмоқда. Бугунги кунда кўпгина давлатлар банк тизимида умидсиз қарзларнинг кўпайиши муаммосига дуч келаётганлиги туфайли банкларнинг муаммоли кредитлари билан ишилаш тизимини такомиллаштириши масалалари бўйича тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: Кредит сиёсати, активлар сифати, кредит, кредит портфели, қарз олувчи, муддати ўтган қарздорлик, муаммоли кредитлар, жорий мониторинг, таснифлаш, захиралар.

Аннотация: В статье рассматриваются причины возникновения проблемных кредитов и действия, которые необходимо предпринять для устранения данных проблемных кредитов. Проанализирована статистическая информация о доле проблемных кредитов в общем объеме кредитов.

Ключевые слова: Кредитная политика, качество активов, кредит, кредитный портфель, заемщик, просроченная задолженность, проблемный кредит, мониторинг, классификация, резервы.

Abstract: The article discusses the causes of problem loans and the actions that need to be taken to eliminate these problem loans. Statistical information on the share of problem loans in the total volume of loans was analyzed.

Key words: Credit policy, asset quality, credit, loan portfolio, borrower, overdue debt, problem loan, monitoring, classification, provision.

КИРИШ

Барчамизга маълумки, ўтган 2020-2021 йиллар мобайнида бутун дунё миқиёсида юз берган коронавирус пандемияси жаҳоннинг барча давлатлари иқтисодиётларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, бу таъсир асосан экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи кўплаб хўжалик юритувчи корхоналар фаолиятининг маълум бир муддат узилиб қолишига ҳамда хўжалик субъектлари ўз молия хўжалик фаолиятини қайта кўриб чиқишига, ривожланиш учун янги имкониятларни излашга мажбур қилди. Буларнинг барчаси мамлакатлар банк тизимларида ҳам ўзининг сезиларли даражадаги қийинчиликларини юзага келтирди, чунки мазкур тизим иқтисодиётнинг асосий пул айланмаси регулятори вазифасини бажаради десак муболага бўлмайди.

Бироқ, пандемиянинг фавқулодда, дунёда пайдо бўлиши, кўплаб ривожланган давлатларнинг иқтисодиётини юритиш сиёсатини янгича талқин қилишларига ва бунда креативлик сифатини ривожлантиришга сабаб бўлди. Масалан: бу ҳолатда дунё аҳолисининг аксарияти давлатларда ўрнатилган карантин тартиб қоидалари сабабли ўзларининг асосий вақтларини уйларида ўтказишларига тўғри келди, бунинг натижасида иқтисодиёт ўзига хос трансформация жараёнини бошидан кечирди. Мазкур трансформация асосан хўжаликларни ўз фаолиятларини масофавий юритилишини йўлга қўйишлари ва бунда, информацион технологияларидан кенг кўламда фойдаланиш йўли билан кўрсатиладиган хизматларни автоматлаштириш ва ракамли иқтисодиётни янада ривожлантирилишида ўз аксини топди.

Мазкур ҳолатлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 2020 йилнинг 24 мартаидан бошлаб мамлакатимизда карантин эълон қилинганлиги муносабати билан кўплаб фуқароларимиз ўз уйларида қолишиларига тўғри келди, шу сабабли иқтисодиётда сезиларли қийинчиликлар юзага келишни бошлади ва ушбу синовли даврнинг асосий зарбаси банк тизимиға берилди. Юртимиздаги тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг умумий қолдиги 2020 йил 1 апрель ҳолатига 220,4 трлн сўм (шундан, қисқа муддатли 22,2 трлн сўм, узоқ муддатли 101,3 трлн сўм) ни ташкил этган. Мамлакатда жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти деярли тўхтаганлиги сабабли ушбу кредитларни қайтарилишида маълум даражада ҳавфлар туғилди ва бу ҳолат тижорат банклари кредит портфелларида муаммоли кредитларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Ушбу мақолада асосан тижорат банкларининг активларни сифатини баҳолаш тартибини ўрганиш, шунингдек муаммо ва ечимлар хусусида фикрлар бериб ўтилади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Иқтисодий адабиётларда муаммоли кредитлар бўйича таърифлар берилган. Масалан иқтисод фанлари доктори Ш.Абдуллаева томонидан муаммоли кредитларга “қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга ўширганлиги ёки кредит таминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумiga ўтишини англатади” дея таъриф берилган. (Ш.Абдуллаева, 2003).

Европа марказий банки томонидан муаммоли кредит тушунчасига (NPL ёки Non-performing loan) қуйидагича изоҳ берилган “қарз олувчи томонидан келишилган тўловларни ёки фоиз тўловларни 90 кундан ортиқ муддат ўтгандан кейин тўланмаган банк активлари муаммоли активлар сифатида тан олинади, шунингдек муаммоли активлар ёмон активлардир”. (Европа Марказий банки, 2016)

Базел қўмитасининг маълумотларига кўра, муаммоли кредит бу – қарз олувчининг банк олдидағи мажбуриятларини бажариш муддатларининг сезиларли даражада бузилиши, қарз олувчининг молиявий аҳволининг сезиларли даражада ёмонлашуви ва гаров сифатининг сезиларли даражада пасайиши ёки ҳатто йўқотилиши бўлган кредитдир (Базел қўмитаси, 2001).

Тадқиқотчи Кузницов С.В. (2008) илмий ишида шундай дейди: - муаммоли кредит- бу қарздор ўз мажбуриятларини банк билан қабул қилинган битимлар вакелишувларга мувофиқ тўлиқ бажара олмайдиган кредитдир, шунинг учун қарздорнинг кредит мажбуриятлари бўйича муддати ўтган тўловлар банк учун қисманёки тўлиқ йўқотиш хавфи мавжуд демақдир (С.В.Кузников, 2008).

Шунингдек Ю.Ю. Платонов ва С.Е. Зайченколар ўзлариниг тадқиқотлари натижасидан келиб чиқиб муаммоли кредитлар сонининг кўпайиши банк кредит портфели сифатининг ёмонлашуви, қўшимча харажатлар, кам фойда ёки йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини ҳамда муаммоли активларни бошқариш ишларини энг самараливоситалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш лозимлиги билдиришган. (Ю.Ю.Платонов, С.Е. Зайченко, 2011).

Берилган таърифларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда муддати ўтган кредит тушунчасини яна қуйидагича талқин килишимиз мумкин бўлади: аввало банкнинг кредит портфели бу банкнинг кредит операцияларини амалга ошириш учун зарур асос саналиб, банк томонидан берилган жами кредитларнинг йигиндисини ифодалайди. Унинг шаклларда кредиторларнинг берилган қарзини кеч толаши ёки тўламаслиги ва бунда вақт омилининг системол қилиниши биз юқорида сўз юритаётган масала обьекти бўлиб хизмат қиласи.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни”да (Ўзб. Рес. Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan) муаммоли активларга сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар кирилиши белгилаб берилган.

Бунда сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активларга қўйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлган активлар китилади:

- асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли бўлмаса, таъминотга қўйилган мулкни ва қарз олувчининг бошқа асосий воситаларини сотиш, тўланиши лозим

бўлган қарзларни узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўлов манбаларини топиш талаб этиладиган бўлса;

- қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларининг мўлжалланаётган оқими мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаса;
- қарз олувчининг капитали етарли даражада бўлмаса;
- қарздорнинг 2-сон картотекасида 91 кун ва ундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддатга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса (2-сон картотекасида ушбу активни сўндириш бўйича тўлов талабномаси мавжуд бўлган ёки фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);
- ушбу соҳага нисбатан тенденция ва истиқболлар барқарор бўлмаса;
- банк активининг таъминот қийматига нисбати банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан кўп бўлса (ишончли (эътимодли) активлар бундан мустасно);
- асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича 91 кун ва ундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Шунингдек, ушбу низомда сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига ва кам ишончли қилиб қўядиган активлар сифати «шубҳали» деб таснифланиши, бунда йўқотишлилар кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айrim ижобий омиллари мавжуд бўлган активлар сифати шароит ойдинлашгунча «умидсиз» деб таснифланмаслиги белгилаб берилган.

Сифати «шубҳали» деб таснифланган активларга қуида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмагандан биттаси мавжуд бўлган активлар китилади:

- қониқарсиз активларнинг ҳеч бўлмагандан бирорта кўрсаткичи, шунингдек айrim бошқа салбий тавсифлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотиладиган таъминотнинг мавжуд эмаслиги ёки таъминланмаган активларнинг мавжудлиги ёхуд қарз олувчининг банкрот деб эълон қилиниши);
- яқин келажақда активнинг қисман тўланиш эҳтимоли мавжуд бўлса;
- қарздорнинг 2-сон картотекасида 181 кун ва ундан ортиқ, лекин 365 кундан ошмаган муддатга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса (2-сон картотекасида ушбу активни сўндириш бўйича тўлов талабномаси мавжуд бўлган ёки фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);
- асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича 181 кун ва ундан ортиқ, лекин 365 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Жумладан, низомга асосан шартномада белгиланган муддатда қайтарилимаган ёки қайтмаслигидан далолат берувчи омиллар ёки аломатла р мавжуд бўлган ҳамда қайтмайдиган ёки қиймати жуда пастлиги туфайли ҳисобини балансда актив сифатида юритилиши мақсадга мувофиқ эмас деб баҳоланадиган активлар сифати «умидсиз» деб таснифланиши белгиланган. Бундай таснифлаш активларда умуман ҳеч қандай тутатиладиган қиймат мавжуд эмаслигини билдиrmайди. Бироқ, тижорат банклари ўз балансларида бундай активларнинг ҳисобини юритишни давом эттиришлари мақсадга

мувофиқ эмас. Тижорат банки томонидан таъминотга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш ёки уни қайтариш чоралари қўлланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Сифати «умидсиз» деб таснифланган активларга қуида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмагандан биттаси мавжуд бўлган активлар китилади:

- қарздор ва лизинг олувчидан ундирилган, гаровга қўйилган мол-мulkка бўлган хукуқлардан фойдаланиш йўли билан тижорат банки томонидан балансга қабул қилинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган ва банк фаолиятини кенгайтириш учун сотиб олинган бинодан икки йил мобайнида фойдаланилмаган ҳамда банк фаолияти учун ортиқ фойдаланилмай қўйилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сотилмаган бўлса;

- қарздорнинг 2-сон картотекасида муддати 366 кун ва ундан ортиқ кунга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса;

- асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича 366 кун ва ундан ортиқ кунга муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Юртимизда фаолият юритаётган 32 та тижорат банклари томонидан иқтисодиётни турли жабхалари ва вакилларига ажратилган кредитларнинг умумий қолдиги 2023 йилнинг 1 март ҳолатига 397,63 трлн сўмни ташкил этдиб, ушуб кўрсатгич ўтган 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 70,45 трлн сўмга ёки 22% га юқоридир.

1-жадвал: 2023 йил 1 март ҳолатига Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида маълумот²² акс этган жадвал келтирилган:

²² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистикаси – 27.03.2023 йил

**“FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS
INTERDISCIPLINARY SCIENCES”**

ITALIA

млрд. сўм				
№	Банк номи	Кредит портфели	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
	Жами	397,637	15,052	3.8%
	Давлат улуши мавжуд банклар	328,048	13,638	4.2%
1	Ўзмиллийбанк	87,211	2,720	3.1%
2	Ўзсаноаткурилишбанк	51,689	1,700	3.3%
3	Агробанк	45,811	1,811	4.0%
4	Асака банк	36,375	1,727	4.7%
5	Ипотека банк	32,382	1,007	3.1%
6	Халқ банки	21,521	2,523	11.7%
7	Қишлоқ курилиш банк	20,444	942	4.6%
8	Микрокредитбанк	13,337	705	5.3%
	Турон банк	9,671	313	3.2%
10	Алоқа банк	9,536	191	2.0%
11	Пойтаҳт банк	70	0.6	0.9%
	Бошқа банклар	69,590	1,414	2.0%
12	Капитал банк	17,117	158	0.9%
13	Ҳамкор банк	11,652	74	0.6%
14	Ипак йўли банк	8,370	183	2.2%
15	Ориент Финанс банк	5,603	41	0.7%
16	Инвест Финанс банк	5,082	37	0.7%
17	Траст банк	3,552	210	5.9%
18	Давр банк	3,358	64	1.9%
19	Тенге банк	2,687	93	3.4%
20	Азия Альянс банк	2,366	33	1.4%
21	Анор банк	2,259	65	2.9%
22	ЎзКДБ банк	2,045	0.0	0.0%
23	Тибиси банк	1,753	35	2.0%
24	Гарант банк	1,173	96	8.1%
25	Зираат банк	1,109	55	5.0%
26	Универсал банк	930	11	1.2%
27	Равнакс банк	316	229	72.6%
28	Мадад инвест банк	196	28	14.5%
29	Эрон Содерот банк	21	1.2	5.8%
30	Ўзагроэкспортбанк	0.6	0.4	76.5%
31	Смарт банк	0.0	0.0	0.0%
32	Узум банк	0.0	0.0	0.0%

млрд. сўм

Мазкур кредитларнинг ўз вақтида сўндирилиши ва тижорат банки учун муаммоли кредит қарзига айланмаслигини таъминлаш мақсадида, тижорат банкларининг тегишли мониторинг бўлимлари ҳодимлари томонидан ҳар бир банкнинг ўзи ишлаб чиқсан кредит сиёсати талабларига мувофиқ ойлик ва чораклик мониторинглар амалга оширилиб келинади, бунда асосий эътибор қарз оловчи (биргаликда қарз оловчи, кафил) нинг молиявий ахволи, тўлов қобилияти қай даражада барқарор эканлиги, кредит таъминоти сифатида тақдим этилган гаровнинг мониторинг ўтказилаётган вақтдаги ҳолати қандай, агар қарз оловчи юридик шахс бўлса, унга ажратилган кредитлар қарздор томонидан банкка тақдим этилган бизнес режага мувофиқ ишлатилганми, бизнес режада кўрсатилган лойиҳанинг ишга тушишидан кейин ундан келадиган фойда кредит ҳамда унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ сўндирилишига етадими деган саволларга қаратилади.

ХУЛОСА:

Кредитларни муаммоли кредитларга айланиб қолишини олдини олиш бўйича қўйидаги таклифлар ишлаб чиқилган:

- кредит маблағлари ажратилишидан олдин амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича тақдим этиладиган бизнес-режаларни ишончли ўрганиш, шунингдек ушбу лойиҳа истиқболи ҳамда самарали ишлаб кетиши юзасидан таҳлилларни оқилона амалга ошириш;

- ажратилган кредит маблағларини жадвал асосида ўз вақтида қайтарилиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш ва мунтазам қатъий чоралар кўриб бориш;

- лойиҳалар муаммога айланишини олдини олиш мақсадида, уларнинг бизнес-режа бўйича айланма ва банқдаги тушумларини мониторинг қилиб, ўрганиб бориш. Кредит тўловида муаммо юзага келган тақдирда жорий ҳолатини таҳлил қилиб, ўз вақтида тегишли қўмак қўрсатиш ва уни соғломлаштириш чораларини кўриш;

- банклар томонидан ҳар йил якунлари бўйича олинган соф фойдани банклар капиталини оширишга йўналтириш орқали банкларнинг капитал буферини мақбул даражада сақлаб қолиш;

- банк бошқаруви кенгашлари томонидан кредитлаш ҳажмларини банкларнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, жумладан бизнес-режа параметрлари доирасида амалга оширилишини қатъий назоратга олиш.

Юқорида келтириб ўтилганларни ўрганиб чиқиб, кредитлашнинг ўсиш суръатлари мўътадиллигини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тижорат банклари маъсулиятларини янада оширишлари лозимлиги ҳамда банкларда кредитлар хали муаммога айланмай туриб, ушбу кредитлар ичida муаммоли кредитга айланishi мумкин бўлган кредитларни аниқлаш бўйича эрта огоҳлантириш сигналларини жорий қилиш ва такомиллаштириш зарур деган фикрга келдим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3270-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистикаси – 27.03.2023 йил
3. Европа Марказий банки йўриқномаси 2016 йил.
4. Абдуллаева Ш.З. (2003) “Банк иши.”
5. Кузнецов С.В. (2008) “Ссудная задолженность кредитных организаций: проблемы и инструменты её урегулирования / Автореф. дисс канд. экон. наук. М., С.14.”
6. Платонова Ю.Ю., Зайченко С.Е. (2011). Инструменты управления портфелем проблемных кредитов в современных условиях. Финансы и кредит, (4 (436)), 29.
7. Халқаро Базел Қўмитаси йўриқномалари 2001 йил.